



O'ZBEKISTON

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

BUNIYODKORI

№91-92 (744-745) 2023 йил 27 октябрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЭНЕРГЕТИКА ИСЛОҲОТИДАГИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида
26 октябрь куни энергетика бозори
регулятори фаолиятини
самарали ташкил этиш чора-тадбирлари
бўйича тақдимот ўтказилди.

Мамлакатимиз энергетика соҳаси босқичма-босқич ислоҳ қилиб келинмоқда. Биринчи босқичда бошқарув тизими ўзгартирилди. Сўнгги йилларда 22 та электр станцияси, жумладан, илгари генерация бўлмаган вилоятларда янги станциялар ишга туширилди. Электр генерацияси тизимига илк бор хусусий капитал жалб қилинмоқда.

Ҳозирги кунда жами қувватлар 85 миллиард киловатт соатга етган. Келгуси йилларда ана 20 гигаваатлик қувватларни ишга тушириш мўлжалланган. Етти миллиард доллар хусусий сармоя эвазига 9 гигаваат қувват яратиш режалаштирилган.

Жадал ривожланаётган иқтисодиётимиз ва аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш учун электр ишлаб чиқариш ҳажмини камида 120 миллиард киловатт соатга етказиш мақсад қилинган. Янги қувватларни ишга тушириш ва тармоқларни тўлиқ модернизациялашга 52 миллиард доллар инвестиция зарурлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Бундай катта ҳажмдаги инвестицияларни хусусий сектор иштирокисиз шакллантириб бўлмайди. Соҳанинг хусусий инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш учун эса, халқаро тажриба кўрсатганидек, энг аввало, очик рақобат муҳитига эга энергетика бозорини яратиш керак.

Айни шу мақсадлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 28 сентябрдаги “Энергетика соҳасини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида белгиланган.

Унга кўра, 2026 йилга бориб, электр энергияси талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин, улгуржи бозор ишга тушади. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, бозор инфратузилмасини яратиш, энергетика тизимини энг қуий бўғинига қадар рақамлаштириш, инсон омилсиз реал вақтда ишлайдиган ақли бошқарув тизимини (SCADA) жорий этиш зарур.

Кўплаб давлатларда бу ислохотлар учун 15 йил вақт кетган. Мамлакатимизда буни уч босқичда, 2030 йилгача аяунлаш режалаштирилган.

Шу боис, фармонга мувофиқ, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги тузилди ҳамда унга энергорегулятор вазифаси юклатилди.

Тақдиротда энергетика вазири Ж. Мирзамаҳмудов фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари ва соҳадаги режалар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга республикани электр билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Бунда, эркин энергетика бозорига ўтишнинг асосий шарти мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш учун етарли генерация қувватларини яратиш экани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ягона электр савдоси платформасини яратиш ва 2024 йил якунига қадар уни синовдан ўтказиб, ишга тушириш вазифаси кўйилди.

Президентимиз энергетика бозорини эркинлаштириш жараёнида электр энергиясини аҳолига республиканинг барча ҳудудларида 2035 йилга қадар бир хил нархда сотилиши талабига ҳамда тарифларни белгилашда ижтимоий ҳимоя принципига қатъий риоя этиш шартлигини таъкидлади.

Янги тизим самарали ишлаши учун ўқна ийнаиш – кадрлар тайёрлаш, тармоқнинг илм-фан билан узвийлигини таъминлаш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Бундай комплекс ишлаш тартибини марказдан тартиб ҳудудларгача татбиқ этиш топширилди.

Шу боис агентликка билимли мутахассис ва хорижий консултантлар ишга олинади. Ходимлар Испания, Хитой, Туркия ва Германияга малака оширишга юборилади. Хорижий тажриба асосида юртимизда ҳам муҳандис, диспетчер, SCADA оператори ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил қилинади.

Тақдиротда кўриб чиқилган масалалар юзасидан соҳа масъулларига қатор топшириқлар берилди.

Ў.А.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Жиззах вилоятидаги объектлар мутахассислар нигоҳида

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги “Янги Ўзбекистон” массивида бўлиб, қурилиш жараёнларининг сифатини ўрганди. Вазир ўринбосари қурилиш объекти билан танишиш жараёнида пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш маданиятига эътибор қаратилмаганлигини танқид қилди. Хусусан, ишчи-ходимларнинг махсус кийимга эга эмаслиги, уларнинг хавфсизлиги таъминланмаганлиги, майдондан қурилиш чиқиндиларининг олиб чиқиб кетилмагани таъкидланди.

Шунингдек, массивдаги объектлар ҳолати ўрганилганда, бир қатор камчиликлар ва қоидабузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, бино-иншоотлар пойдеворларини ташки таъсирлардан ҳимоя қилишга эътибор қаратилмаган. Бунда пеноплекс қопламасидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, кўп квартирали уйлари қуришдаги монтаж ишларида ҳам хатоликлар мавжудлиги айтилди. Фойдаланилган опалубкалар бетон қоршмаларидан тозаланмасдан, тартибсиз ҳолатда экан-



лиги юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва уларнинг ижроси шахсан назорат қилиниши таъкидланди.

– Бугун ҳар бир ҳудудда катта ҳажда қурилиш ишлари олиб борилмоқда, – деди Тоир Алиматов. – Бу жараёнда сон ва сифатнинг уйғунлашуви муҳим аҳамиятга эга. Обь-

ектларни лойиҳалашдан тартиб, қуриб, фойдаланишга топширунға қадар бўлган жараёнларда соҳадаги замонавий тенденциялардан унмўи фойдаланиш талаб этилади. Қурилайётган турар жойларнинг сифати кўп жихатдан қурувчиларимизнинг малакаси ва салҳиятига боғлиқ.

Сайёр қабулдаги мурожаатлар ҳал этилмоқда

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов Фарғона шаҳрида сайёр қабулда иштирок этиб, фуқароларнинг мурожаатларини тинглади. Сайёр қабулга Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларидан ўзини қийнаётган масалалар юзасидан келган фуқароларнинг ҳар бир мурожаати индивидуал ўрганилди.



Хусусан, Ёзёвон туманида истиқомат қилувчи М. Камолов АЁҚШ хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш, бу орқали 50 нафар кишининг бандлигини таъминлаш юзасидан таклифини билдирди. Вазир

ўринбосари томонидан мазкур таклифни, мавжуд бизнес режани атрофлича ўрганиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берилди. Фарғона шаҳридан келган Х. Мирзаалиев эса нотурар жой биносида корхона

ташкил этиш ниятида. Мазкур мурожаатни ҳам қонун доирасида ижобий ҳал этиш юзасидан амалий чоралар қўрилмоқда.

Фарғона шахри Аҳмад Яссавий кўчасида жойлашган 43-ўйда истиқомат қилувчи М. Абдукаримовани қийнаётган масала эса коммунал соҳага оид. Маълум қилинишича, 43-45-уйларнинг томлари таъмирга муҳтож, ертўладаги қувурлар ҳам носоз, аҳолининг бошқарув ташкилотига қилган доимий мурожаати эса бесамарлигича қолмоқда. Муҳокамалар давомида 100 та уйга хизмат қўрсатувчи “Коммунал қурилиш таъмир сервис” БСК маҳаллий ҳокимлик билан шартнома тузилмаганини ҳамда уй эгаларининг мажбурий бадал тўловларидан қарздорлиги катта эканлигини билдирди.

Сайёр қабул давомида фарғоналиклар томонидан билдирилган мурожаатлар орасида вақт ва жойига чиққан ҳолда ўрганиш талаб этиладиган масалалар ҳам кўп ўради. Қурилиш ва тадбиркорлик объектлари учун ер ажратиш каби ҳолатлар шулар жумласидандир. Хусусан, Улуғбек Расуловнинг Ал-Фарғоний кўчасида 9 қаватли турар жой биносини қуриш юзасидан билдирган мурожаати асосида назарда тутилаётган ер майдони, унга оид ҳужжатларни ўрганиш бўйича масъулларга кўрсатма берилди. Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи Д. Эркабоева Алишер Навоий номидаги маҳалланинг ички йўл-

лари таъмирга муҳтожлиги юзасидан мурожаат қилган бўлса, тадбиркорлардан бири – С. Жўрахонов Фарғона туманида паррандачилик корхонасини ташкил этиш учун ер ажратишларини сўради. Ҳар икки ҳолат юзасидан тезкор амалий чоралар қўрилиши таъкидланди.

Х. Қамбаров эса ўз маҳалласидаги бўш ер майдонида МТТ ёки спорт майдончасини қуриш юзасидан таклиф билан чиқди. Мазкур ташаббусни амалга ошириш учун масъуллар иштирокида зарурий ҳужжатлар билан таништириб, жойига чиқиб ўрганиладиган бўлди. “Маданият” МФИда истиқомат қилувчи аҳоли номидан келган фуқаро эса 9-ўйда ноқонуний қурилиш бўлаётганидан шикоят қилди. Фарғона вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси вакилларига ҳолатни жойига чиқиб ўрганиш юзасидан топшириқ берилди. “Кинёгарлар” МФИда жойлашган 29 та уйда истиқомат қилувчилар номидан келган Эркинжон Мирзаев коммунал соҳадаги бир қатор камчиликлар юзасидан шикоят қилди. Уйларда куз-қиш мавсумига қўрилган тайёрлик, таъкидланган нуқсонлар масъуллар иштирокида жойига чиқиб ўрганиладиган бўлди. Яна бир мурожаати Ф. Валиев эса Фарғона шаҳрида нотурар жой объектининг қурилиши юзасидан таклиф билдирди. Мазкур мурожаат бўйича фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди.

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ: ШНҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ШНҚ 1.02.10-23 “ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР
ТЎПЛАМИ” ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2023 йил 7 июнда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 173)

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 1.02.10-23 “Қурилиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари. Қоидалар тўплами” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2013 йил 12 мартдаги 25-сон буйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 1.02.10-12 “Қурилиш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари. Қоидалар тўплами” шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир
Тошкент ш.,
2023 йил 16 май,
107-сон

Б. ЗАКИРОВ

Илова газетанинг 4-, 5-саҳифаларида.

ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ инспекторлари учун муҳим тадбир

Ҳудудларда қад ростлайётган кўп қаватли турар жойлар ҳамда бошқа иншоотлар кўпаяётгани сари халқимизнинг талаб ва эҳтиёжи ҳам шунга муносиб равишда ортиб бормоқда. Бу эса айни пайтда бунёдкорлар олдиға нафақат қурилишлар ҳажмини кенгайтириш, балки уларда ишлатилаётган материалларнинг сифати, тикланаётган ҳар бир бинонинг қай даражада зилзилабардошлигига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда жаҳон тажрибасида синалган, кўркамлиги жиҳатдан бири-иккинчисини тақорламайдиган ва ҳар қандай ташқи кучларга бардошли кўп қаватли уй-жойлар, маъмурий бинолар қурилмоқда. Бу ўз-ўзидан ҳудудий назорат қилиш инспекциялари ходимларидан мамлакатимизда қўллани-

лаётган жаҳон тажрибаларини мукаммал ўрганиб, биноларнинг мустаҳкамлигини оширишда улардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Шунга асосан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг алоҳида буйруғига кўра, тажрибали мутахассислар ва олимлар бошчилигида жойларда

ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимларининг малакасини ошириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Шундай семинар-тренинглардан бири Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари иштирокида бўлиб ўтди. Мутахассислар бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, қурилиш ишларида шаҳарсозлик нормаларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда ишлатилаётган қурилиш материалларининг яроқчилиги, бунёдкорлик ишларида ижро ҳужжатлари қай ҳолатда юритилиши бўйича керакли маълумотларни беришди.

Бу каби тадбир ҳамда семинар-тренинглар барча вилоятларда ташкил этилмоқда.

Ўз муҳбиримиз.

КОМПЕТЕНЦИЯНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ИНСТИТУТИ
янги мақсад, ғоя ва ташаббуслар сари
илдам қадам

Муродбек ХАЙДАРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Архитектура, қурилиш, муҳандислик ҳамда уй-жой коммунал соҳалари мутахассисларининг билим ва малакаларини оширишга мўлжалланган мавжуд Малака ошириш марказлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда ўқув-услувий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатувчи марказлашган таълим муассасаси мавжуд эмас эди. Шунингдек, соҳадаги мутахассислар ва раҳбарларни бугунги ислохотлар, янги технологиялар асосида тизимли ўқитиб, уларнинг малакасини, кўникмасини ва билимини баҳолайдиган ҳамда даврий сертификатлайдиган тизим ҳам йўқ эди.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақса-дида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат бош-қарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги 151-сонли Фармонига биноан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир-лиги ҳузуридаги Архитектура, қурилиш, муҳан-дислик ва коммунал хўжалик соҳаларида кадрлар тайёрлаш (жумладан, махсус мақсадли), қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва баҳо-лаш бўйича ихтисослашган давлат олий таълим муассасаси шаклидаги Компетенцияни ривож-лантириш институти ташкил этилди.

– Институтнинг асосий мақсади шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларидаги му-тахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини замонавий ўқув дастурлари асосида ошириб бо-риш, уларнинг касб ва мутахассисликлари бўйи-ча малакасини баҳолаш ҳамда даврий равишда сертификатлаш ва соҳа учун махсус мақсадли ма-гистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар-ни тайёрлашдан иборат. – деди Компетенцияни ривожлантириш институти ректори Аъзамиддин Қўлдашев. – Ушбу вазифалар институтдаги учта таркибий бўлинмада амалга оширилади. Булар Архитекторлар ва муҳандислар олий макта-би, Қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази ҳамда Малакани баҳолаш марказидир.

Қолаверса, мақсадли магистратура – соҳа йўналишлари бўйича бугунги кунда 5 йилдан зиёд ишлаб, мана шу йўналишда таълимнинг ба-калавр даражасига эга магистратура босқичида ўқийман, деган ходимлар учун мўлжалланган. Дарс жараёнлари малакали профессор ўқитув-чилар томонидан олиб борилади. Қайта тайёр-лаш ҳамда малака ошириш марказида ҳам соҳа мутахассислари ўз йўналишлари бўйича бугун-ги кунда керакли бўлган билимларни олиш учун за-монавий ишлаб чиқилган дастурлар асосида ма-лакаси ошириб боришмоқда. Тингловчилар эгал-лаган билимлари коррупцион ҳолатларни олдини олиш ҳамда инсон омилини камайтириш мақса-дида Малакани баҳолаш маркази томонидан тест синовлари асосида кузатувчилар иштирокида компьютерда ўтказилади. Бунда шаффофик ва холисликни таъминлаш мақсадида тест жараёни узлуқсиз равишда видеоёзувга туширилади.

Мазкур институтда қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича ўқув жараёнлари жорий йилнинг 13 октябрдан бошланди. Бунда буюртмачи таш-килотларнинг техник назоратчилар, қурилиш-пудрат ташкилотларининг сифат назоратини олиб боровчи мутахассислари ҳамда лойиҳа таш-килотларида фаолият олиб боровчи муаллифлик назорати ходимлари, бош архитектор ва бош муҳандислар ўқитилмоқда.

– Мазкур дарсларда қатнашиб, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар, инновациялар ҳамда қурилишлари тўғри бошлаш ва назорат қилиш бўйича кўплаб билимларга эга бўляпмиз, – деди Қарши шаҳридаги “Сардоба дизайн қурилиш” ху-сусий корхонаси директори Хусниддин Шодиев. – Булардан ташқари, қурилиш соҳасига оид меъ-ёрий ҳужжатлар билан ишлаш бўйича ҳам кў-никмалар ҳосил қиляпмиз. Бизларга маъруза қи-лаётган барча ўқитувчиларнинг салоҳияти анча юқори. Улардан соҳамизга оид барча саволларга жавоб олмақдамиз.

Ушбу ўқув жараёнининг амалиёт дарслари республикамизнинг энг нуфузли ва рейтингли юқори бўлган ташкилотларда бўлиб ўтади. Бун-да иштирокчилар қурилиш жараёнидаги янги инновациялар билан танишган ҳолда амалиёт ўташади. Ўқув жараёнининг давомийлиги 74 со-атни ташкил этади. Дарслар салоҳиятли ва чуқур касбий билимга эга бўлган профессор ва фан докторлари томонидан олиб боришмоқда.

– Қурилишда қўлланиладиган меъёрий ҳуж-жатлар тизими фанидан дарс бериб келмоқда-ман, – деди техника фанлари, фалсафа доктори Нусратжон Норов. – Бу фанда амалиётда мавжуд бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, шунингдек, уларга киритилаётган ўзгартиришлар ҳақида тушунчалар берилади. Малака ошириш курсларига жалб қилинган тингловчилар тегиш-

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА	
2023 йил 1 октябрдан бошлаб:	
→ лойиҳа бошқарувини ва техник назорат, жумладан, йўналишлар бўйича назоратни олиб боровчи мутахассислар;	
→ лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини олиб боровчи мутахассислар, шунингдек, лойиҳа бош муҳандислари ва архитекторлари;	
→ пудрат ташкилотларининг ички назоратини амалга оширувчи мутахассислари;	
2024 йил 1 январдан бошлаб:	
→ назорат ўлчовини амалга оширувчи мутахассислар;	
→ эксперт ташкилотлари экспертлари;	
→ кўп квартирали уйлارни бошқариш органлари раҳбарлари;	
2024 йил 1 апрелдан бошлаб:	
→ туман (шаҳар) ва вилоят архитекторлари;	
→ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциялари инспекторлари тегишли тартибда ўқитилади;	
→ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекциялари инспекторларининг малакаси оширилиб, тегишли тартибда фаолияти сертификатлаштирилади.	

ли малакага эга, лекин бугунги кундаги қу-рилиш-архитектура соҳасида бўлаётган янгиликлар ва инновациялар ҳақида берилган маълумотлат улар учун муҳим. Маърузалар давомида тинглов-чилар ўзларини қизиқтирган саволларга батаф-сил жавоб олмақда. Уйлайманик, мазкур малака ошириш курси соҳа ходимлари учун фойдали бўлади.

Малака ошириш курсини тугатгач, курс ишти-рокчилари малака сертификатидан ташқари мутахассис сертификатига ҳам эга бўлишади. Ушбу сертификатлаш жараёни Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик ва уй-жой комму-нал хўжалиги соҳалари мутахассисларини сер-тификатлаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 460-сонли қарорига мувофиқ олиб борилади.

– Даставвал, дарсимиз раҳбарият, ходимлар ва бошқалар билан ўзаро муомала маданиятида-ги аҳамиятли жиҳатлар борасидаги маълумотлар билан бошланди, – деди Мирзо Улугбек тумани Ободонлаштириш бошқармаси техник назорат-чиси Қурбон Жалилов. – Бунда биз аввал эътибор қаратмаган томонларимизни билиб олдик. Ўзим соҳам бўйича 48 йиллик тажрибамга эгаман. Аммо амалиёт назария билан бирга, бир йўсинда кетса, мақсадга мувофиқ бўлар экан. Бу борада ушбу ма-лака ошириш курси биз учун янгилик бўлди.

Таълим жараёни энг илгор педагогик замона-вий технологиялардан фойдаланган ҳолда олиб борилади. Бундан ташқари, масофавий таълим дастурлари ҳам мавжуд бўлиб, унда ходим ўз иш жойида ташкил қилинган платформа орқали назарий билимларини ошириб бориши мумкин. Охирги амалиёт даврида эса бевосита дарс бера-диган педагоглар билан учрашиб, жараён бўйича, умуман олганда, соҳа бўйича ўзларини қизиқтир-ган саволларга тўлиқ жавоб олишлари мумкин.

1

ЭСЛАТИБ ЎТМИЗ, 2025 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛМАГАН МУТАХАССИСЛАРГА:

- хавфлилик даражаси II, III ва IV тоифали қурилиш объектларининг, шунингдек, бюджет ҳисобидан молиялаштирилادиган I тоифали қурилиш объектларининг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- техник назоратни амалга ошириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш ва назорат ўлчовини амалга ошириш;
- жисмоний шахсларга кўп квартирали уйларнинг бошқарув органларига раҳбарлик қилиш таққиланади.

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАРДАН
НУРОБОДЛИКЛАР МАМНУН

Сирожиiddин БЕРДИҚУЛОВ, Нуробод тумани ҳокими.

Ҳар қандай элнинг ўтмиши, маънавияти, удумлари билан танишинишда китобнинг ўрни катта. У нафақат ўтмишни, ўзлгимизни ва қадриятимизни англатиб туради балки тарих ва ўтган кунлар ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Улуғ алломаларимиз китоб ҳақида жуда кўп ибратли ибораларни ёзиб қолдиришган. Улар томонидан айтилган фикрлар, ҳикматлар бугун халқимизнинг маънавий бойлигига айланган.



Нуробод ва нурободликлар ҳаёти акс эттирил-ган “Нурга бурканаётган Нуробод” деб номланган китобнинг яратилишини ҳам туман ҳаётидаги тари-хий бир воқеа сифатида баҳоласак, арзийди. Чун-ки унда туман тарихи, бугунги ижтимоий ҳаётимиз, фаровон турмуш яратиш йўлида ғайрат кўрсатаёт-ган ташаббускор, саховатли инсонлар, бунёдкор-лик ишларида хамиша фаол бўлаётган ишчи-хиз-матчилар меҳнати ёрқин лаҳзаларда акс этган. Муҳими, китобда туман ҳаётига оид барча соҳалар ҳақида сўз юритилган.

Айтиш жоизки, туман маркази ва қишлоқла-римиз қиёфаси бунёдкорлик муҳити туфайли кун-дан-кун чирой очяпти. “Обод қишлоқ” дастури асосида кўркам уй-жойлар, хизмат соҳаларига оид иншоотлар қурилмоқда. Дам олиш масканлари, боғлар барпо этилмоқда. Айниқса, Жом қишлоғи ҳудудидаги иккита маҳаллада кенг кўламдаги обо-дончилик ишлари амалга оширилди. Таъкидлаш керакки, бу ерда ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тириш ишларига етарли эътибор қаратилмаганин оқибатида қишлоқ аҳолисининг аксарияти мурак-аб шароитда яшаётган эди. Кейинги йилларда эса яна бир нечта қишлоқларимизда бунёдкорлик

ишлари амалга оширилди. Эътиборлиси, бундай ташаббусларга кўплаб тадбиркорларнинг қў-шилгани, турли соҳалар эгаларининг ҳашарларда иштирок этганидир.

Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбе-кистонга асос солингани ва мамлакатнинг барча ҳудудларида қурилиш-бунёдкорлик ишларининг авж олгани тарихий воқеа бўлди. Нурободлик тадбиркорлар ҳам бу эзгу ишдан четда қолмади. Уларнинг ҳаракати билан саноат корхоналари, қўшма корхоналар ташкил этилиб, тўғридан-тўғри хориж сармоясига эгалик қилаётган тадбиркорлар кўпайди. Айни пайтда эса ҳудудда 200 дан зиёд са-ноат корхонаси, ўндан ортқ қўшма корхона қури-либ, фойдаланишга топширилди.

Кейинги беш йил давомида эса ишлаб чиқа-ришга қарийб 36 миллион АҚШ доллари миқдо-ридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ки-ритилди. Ана шу маблаг ҳисобидан 9 та корхона ташкил этилди. Бунинг натижасида 679 та янги иш ўрни барпо этилди. Туманда ички туризмни ривож-лантириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам жадал бормоқда. Бу борада Самарқанд-Қарши трассаси атрофида жойлашгани тоғ этакларидаги

қишлоқлар бўйлаб ички туризмни ривожланти-ришга алоҳида эътибор қаратиляпти, истикболли лойиҳалар устида ишлар олиб боришмоқда.

Оқсой қишлоғида Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи каби яна бир қанча қадамжолар, дам олиш маскан-лари бор. Улар орасида сув билан даволаш муас-сасалари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, тоғ бағридаги Чўнқаймиш қишлоғи атрофлари табиа-тига ошуфталар кўп. Шу мақсадда ушбу қишлоқда Самарқанд – Қарши трассаси билан боғловчи йўл қурилишини амалга оширдик. Президентимизнинг Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида туманимиз учун замонавий спорт иншооти қуриб берилишида амалий ёрдам тўғрисида мурожаат қилинди. Ушбу ташаббус давлат раҳбари томонидан қўллаб-қув-ватланди. Натижада замон талабларига жавоб бе-радиган ва барча қулайликларга эга спорт мактаби биноси фойдаланишга топширилди.

Туманда 2023 йилда ҳам қурилиш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ар-зон уй-жойлар қуриш дастури бўйича 3 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Айни пайтда Наврўз массивида 3 та 20 хонадонли уй-жойни барпо этиш ишлари олиб боришмоқда. Инвестиция дастури доирасида лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмлик мактаб бино-си бунёд этиляпти. МТТ қурилиши, ичимлик суви таъминоти борасидаги режалаштирилган лойиҳа-лардан мақсад халқ фаровонлигига хизмат қилиш-дир.

Нуробод туманидаги “Нуробод-Дамхўжа” сув сақлаш иншоотини реконструкция қилиш ҳамда Нуробод шаҳри Нурбулоқ, Пулатчи, Шўрча, Юк-салиш, Омонбой, Кечкелдик, Нурдум, Шарқ Юл-дузи, Ачамайли, Янгиқишлоқ, Машъал, Маданият, Шўробод ва Қиличли аҳоли пунктлари ва сикҳат-гоҳлар учун ичимлик сув тизимларни қуриш, “Дўст-лик” МФЙ, Ҳовузбулоқ қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан лойиҳа-лар амалга ошириляпти. Янги автомобиль йўл-лари қуриш, иқтисодий зоналарда мактаблар барпо этиш, электр таъминотини яхшилаш ва аҳоли фа-ровонлигини таъминлаш мақсадида ҳам яна бир қатор хайри ишларга қўл урилган. Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қий-мати 7,1 миллиард сўм бўлган 4 та лойиҳа шу йил-нинг узида ишга туширилади.

Марҳаматда
Финляндия
услуги жорий
этилкоқда

Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таълимнинг Финляндия услубини жорий этишга киришилди. Бунинг учун 29 миллиард сўмдан иборат лойиҳа асосида янги таълим муассасаси барпо этилмоқда.



– Ушбу таълим маскани 550 ўринли бў-либ, у мактабгача таълим ташкилотидан олий таълимгача бўлган босқични ўзида қамраб олади, – деди туман ҳокими ўринбосари Дил-хушбек Исмоилов. – Фан синф хоналарининг мавжудлиги ўқувчиларнинг чуқурлаштирил-ган таълим олишига имкон беради. Қола-верса, замонавий касблардан бири бўлиш маркетинг йўналишида ҳам машғултлар олиб борилади. Ушбу таълим муассасаси-да ўзлаштира олмайдиган ўқувчи бўлмайди. Бонси, синфдошларидан ортда қолаётган ўғил-қизлар билан якка тартибда шуғуллини-лади. Спорт, маданият ва таълим йўналишида юқори натижаларни қайд этган ўқувчиларга 10 фойздан 100 фоизгача грантлар ва ҳатто-ки, кешбэклар бериб борилади.

“Ёш дипломатлар” МЧЖ томонидан таш-кил этилаётган ушбу лойиҳанинг қурилиш ишларини “Мустафо савдо қурилиш” МЧЖ жамоаси олиб бормоқда. Муассаса фаолияти йўлга қўйилгач, ўқувчилар ҳатто ёзи таътил даврида ҳам таълимдан узилиб қолмайди. Бу-нинг учун “Таълим ўйини” ёзги оромгоҳи таш-кил этилади ва унда ўқувчиларга интерактив усулда таълим берилади.

Бир сўз билан айтганда, Марҳаматда таълим соҳасига янгича йўналиш орқали фарзандларимизнинг баркамол вояга етиш-лари учун қулай муҳит яратилмоқда.

БОЙСУН ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШТИРИЛМОҚДА

Азиз МАШРАБОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали томонидан истеъмолчиларни бир маромда табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш борасида ислохотлар олиб борилмоқда. Тизимга рақамлаштиришнинг жорий этилиши истеъмолчилар учун қулайликлар яратиш билан биргаликда, таъминотчи корхона ва истеъмолчи орасида шаффофликни таъминляпти.

Вилоятнинг Бойсун туманида соҳада амалга оширилаётган ишларни кенг оммалаштириш мақсадида амалий семинар-тренинг ташкил этилиб, унда шахар ва туман газ таъминоти бўлимларининг масъул ходимлари иштирок этишди. Тадбирда табиий газ таъминоти билан боғлиқ ислохотлар, “ақлли” газ ҳисоблаш ускуналарининг ўрнатилиши ва лойиха натижалари, табиий газ таъминотида уч босқичли тизимдан икки босқичли тизимга ўтиш бўйича бажарилган ишлар ҳамда бошқа янгиликлар ҳақида сўз юритилди.

– Замон билан ҳамнафас ашаш фаолиятимизда ҳам намён бўлмоқда, – деди “Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали директори Мирзоқул Мансуров. – Филиалда ташкил этилган “Вазиятлар маркази”да “ақлли” ҳисоблагичларнинг ишлаш тизими, биллинг газ ва “fossa” дастурлари доимий равишда кузатиб борилади. Шунингдек, филиалда “Лойиха-қурилиш-монтаж” сервис фаолияти йўлга қўйилиб, унда истеъмолчи табиий газ келтириш бўйича мурожаат қилиши ва лойи-

ҳадан то буюртмани қабул қилиб олгунга қадар барча ишлар бажарилади.

Тадбирда таъкидланганидек, Сурхондарё вилоятида табиий газ назорати ва ҳисобини юритишнинг автоматлаштирилган тизими лойиҳасини жорий этиш доирасида табиий газ истеъмолчилари хонадонларига “ақлли” ҳисоблагичларни ўрнатиш ишлари якунланмоқда. Ҳозирда вилоят истеъмолчиларининг 94 мингдан ортиғи ҳовли уйлар ва 32 мингга яқини кўп қаватли уйларда табиий газдан фойдаланиб келмоқда. Вилоятда лойиха доирасида 126 минг 684 дона “ақлли” газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган бўлиб, бу белгиланган режага нисбатан 8,1 фоизга ошириб бажарилди дегандир. Ўрнатиш ишлари якунига кўра, қўшимча 9 минг 527 кишига электрон газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилди ва барча ҳисоблагичлар биллинг дастурига интеграция қилинди.

Шунингдек, Термиз шаҳрида 36 минг 218 дона, Термиз туманида 8 431 дона, Қўмқўрғон туманида 7 535 дона, Жарқўрғон туманида 5 343 дона, Шўрчи-



ликларга 8 093 дона “ақлли” газ ҳисоблагичлар ўрнатиб берилди. Денов ва Олтинсой туманларида эса 24 мингдан ортиқ, Сароисиё туманида 11 723, Узун туманида 4 765, Ангор туманида 2 837, Музаббот туманида 1 771, Шеробод туманида 4 511, Бойсун туманида 6 364, Қизирик туманида 2 283, Бандихон туманида 2 214 та истеъмолчи мазкур ҳисоблагичлардан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, семинарда ер ости

газ қувурларида технологик йўқотишларни қисқартириш мақсадида газ таъминоти бўлимларида олиб борилаётган ишлар тақдироти ҳам ўтказилди. Тақдимот Бойсун тумани мисолида кўрсатилди.

Иштирокчиларнинг дастлабки манзили Бойсун туманининг 11 та маҳалласини табиий газ билан таъминловчи газ тақсимлаш пункти ва электр кимёвий химоялаш станцияси бўлди. Бойсунлик истеъмолчилар табиий газ билан бир маромда таъ-

минлашда аҳамият қаратилиши лозим бўлган жараёнлар билан таништирилди.

– Бойсун аҳолисини табиий газ билан таъминлашга қаратилган эътибор, ишлаш тизими бизга жуда маъқул, – деди “Термиз-шаҳаргаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи Файзулло Ҳамраев. – Ўзаро фикр алмашидик. Таклифларимизни айтдик. Газ билан таъминлашда нималарга эътибор қаратилиши, мавжуд муаммоларнинг олдини олиш бўйича тажрибалар ўрганилди.



Вилоятнинг олис ҳудуди бўлмиш Бойсун тумани марказини табиий газ билан таъминловчи газ тақсимлаш пункти билан танишган мутахассисларга бугунги кунга қадар олиб борилган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шунингдек, тумандаги “Саноат тармоғи” ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, истеъмолчиларни икки босқичли тизим орқали табиий газ билан таъминлаш жараёнлари ҳам ўрганилди.

Маиший газ баллони синовдан ўтказилди

Азиз РАСУЛОВ,
“Худудгаз Бухоро” газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи.

Бухорода 170 мингдан ортиқ истеъмолчи суюлтирилган газ билан таъминланади. Уларга 35 кундан ошмаган муддатда газ баллонлари тизим ходимлари томонидан етказиб берилмоқда. Аммо шу ўринда бир савол туғилади: газ баллонларини етказиб беришда хавфсизликка эътибор қаратиладими? Уларнинг синов муддатлари ва амал қилиш вақти қандай?

Айни пайтда суюлтирилган газ баллонларини синовдан ўтказиш мақсадида “Қорақўл” ва “Вобкент” газ тўлдириш шохобчалари ҳамда Бухоро туманида синов цехлари фаолият олиб бормоқда. Улар 2017-2023 йилларда ташкил этилган бўлиб, кунига ҳар бирда 50-55 тага ақин газ баллони синовдан ўтказилади. Йил давомида эса умумий ҳисобда ўртача 35 мингга ақин маиший газ баллони синовдан ўтказилиб, бўёқланади, навбатдаги синов муддати муҳрланади. Бугунга қадар эса 26 600 та газ баллони синовдан ўтказилди. Газ баллонлари ҳар беш йил давомида синовдан ўтказилиши лозим. Шунингдек, истеъмолчиларга улардан тўғри фойдаланиш ҳамда талаб даражасида ўрнатилиши ҳақида ҳам тушунтириш берилмоқда.

– Газ баллонлари аслида ҳар беш йил давомида синовдан ўтқа-

зилади, – деди “Вобкент” газ тўлдириш шохобчасида ташкил этилган синов цехи чилангари Жўрабек Ҳамроев. – Аммо баъзан таъмир-талаб газ баллонлари ҳам бўлади. Уларни таъмирлаб, бўёқлаб, муддатини муҳрлаб, истеъмолчига етказиб берамиз. Газ баллонларидан нотўғри фойдаланиш уларнинг таъмир-талаб аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Шу боис, уларни нам ва зах жойда ўрнатиш қатъий тақиқланади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларида кундалик ҳаётда фойдаланиш учун суюлтирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан истеъмолчилар учун белгиланган мажбуриятлар ҳақида эслатиб ўтмоқчимиз.



Хусусан:

– истеъмолчи суюлтирилган углеводород газидан оқилона, маиший эҳтиёжлар, яъни фақат овқат тайёрлаш ва чой қайнатиш учун фойдаланиши мумкин;

– газдан фойдаланувчи ускунани ёки маиший газ баллонини соз ҳолатда амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ сақлаб туриши шарт;

– газ таъминоти ташкилоти вакиллари унинг у тегуши гувоҳномани кўрсатганидан сўнг газдан фойдаланувчи ускунани ва маиший газ баллонини кўздан кечириши, профилактик хизмат кўрсатиши ва текшириши учун эркин кириш имконини таъминлаши лозим;

– газ асбобларидан фойдаланишда болаларни, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган ва суюлти-

рилган углеводород газидан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқ берилмаган шахсларни қўймаслик керак;

– газ ускуналари ва маиший газ баллонлари ўрнатилган хоналарда ухлаш, дам олиш тақиқланади;

– газ асбобларини тоза ҳолда сақлаш шарт;

– суюлтирилган углеводород газининг ҳиди хоналар, ертўла, йўлак ичи, ҳовли ёки кўчада сезилганда ҳамда газдан фойдаланувчи ускуна, газ баллонининг нуқсонлари аниқланганда 104 рақамли орқали авария-диспетчерлик хизматига хабар бериш шарт;

– маиший газ баллони қасддан бузилишига йўл қўймасликка ва ўрнатилган пломбаларнинг бутунлигини таъминлашга ҳар бир истеъмолчи мажбур ҳисобланади.

Хоразм аҳолисига яна бир қулайлик яратилди

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Худудгаз Хоразм” газ таъминоти томонидан аҳолига суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида ва сифатли етказиб берилмоқда. Вилоятдаги газ тўлдириш шохобчаларида иш олиб бораётган мутахассис, чилангар ва ҳайдовчилар ҳар доим ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда иш олиб боришади.

Аҳолидан ййгилиб, суюлтирилган газ тўлдириш учун олиб келинган маиший газ баллонлари аввало, оғир қондиклари тўкилиб, сўнг газ билан тўлдирилади. Газ тўлдириш шохобчаси ходимлари томонидан маиший газ баллонлардаги бар кодли ёрликлар ёрдамида олинган газ баллонлари махсус базага юкланади. Чилангар ўзи қабул қилиб олган тўлдирилган газ баллонларини ҳар бир истеъмолчига бар код ва ID карта ёрдамида топширади.

Шу тариқа суюлтирилган газ етказиб беришнинг онлайн тизими йўлга қўйилган. Бугунги кунда Кўшқўрп туманининг 28 та маҳалласидаги 10 076 та аҳоли хонадони ва 7 та ижтимоий

соҳа объекти суюлтирилган газдан фойдаланиб келмоқда. Туманининг Ошқоққалъа маҳалласида 843 нафар аҳоли истеъмолчиси бўлиб, маҳалла аҳолиси маиший газ баллони билан тўлиқ таъминланган. Маҳалла аҳлига суюлтирилган газ баллонлари белгиланган муддатда ва махсус автотранспортларда етказиб берилмоқда. Йил бошидан бери маҳаллага 92 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди.

– Суюлтирилган газ етказиб беришнинг онлайн тизимидан жуда мамнунмиз, – деди мазкур маҳаллада яшовчи Дилрабо Раҳимова. – Ортиқча оворагарчиликка ҳожат қолмапти. Ёнғ муҳими, вақтдан ютаёмиз.

Сайёр қабулдаги мурожаатлар эътиборсиз қолмади

Ҳилола ИСМАТОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Халқнинг дарди билан яшаш, уларнинг муаммоларини тинглаб, бартараф этиш чораларини кўриш давлат идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Газ таъминоти соҳасида ҳам аҳоли орасида турли ҳолатдаги муаммоларга ҳануз дуч келиниши кузатишмоқда. Айниқса, куз-қиш мавсумида табиий ва суюлтирилган газга бўлган эҳтиёж ортиши баробарида соҳа билан боғлиқ мурожаатлар юзага келади.

Бундай ҳолатларни ўрганиш ва муаммоларга ечим топиш мақсадида Навоий вилояти “Худудгазтаъминот” акциядорлик жамияти Мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари томонидан навбат-даги сайёр қабул ўтказилди. Дастлаб Кармана туманининг Варқ ҳамда Навоий шаҳридаги Зикор маҳаллаларида бўлиб ўтган қабулларда аҳолининг табиий газ босими бир маромда етказилишига оид таклифлари тингланди. Ўз навбатида, хонадон эгаларига куз-қиш мавсумида газ жиҳозларидан эътиборли фойдаланиш, носоз ва қўлбола печлардан фойдаланмаслик тушунтирилди.

Шунингдек, Хатирчи туманининг Навбахор маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда ҳам қиш мавсумида аҳолига табиий ва суюлтирилган газ муаммосиз етказиб берилиши, бунинг учун соҳа ходимлари томонидан тайёргарлик ишлари амалга оширилгани айтиб ўтилди. Айрим масалалар ижроси жараёнининг ўзида масъул ходимларга топширилиб, мурожаатнинг тез ечим топиши таъминланди.

– Сайёр қабулда маиший газ баллон олиш бўйича мурожаат қилдим, – деди аҳоли вакилларида бири Фазлиддин Шакаров. – “Хатирчитумангаз” газ таъминоти бўлими ходимлари томонидан керакли ҳуж-

жатларни тайёрлашим айтилди. Ортиқча оворагарчиликсиз маиший газ баллон билан таъминланишимдан хурсандман.

Нурота туманининг Гафур Ғулом номли маҳалласида ўтган йилги аномал совуқда табиий газ босими анча пасайиб, аҳолига қийинчилик туғилганди. Жорий йил эса кузги-қишги тайёргарлик даврида ушбу маҳаллада газ босимини кўтариш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Маҳалла биносида ўтказилган сайёр қабулда газ босими пасайиши билан боғлиқ аҳолининг хавотирли саволларига мутахассислар томонидан аниқ фикрлар билдирилди.

Энергия манбаларидан тўғри фойдаланиш қоидалари тушунтирилмоқда

Беҳзод АҲМАДҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ҳозирги пайтда “Худудгаз Сирдарё” газ таъминоти филиали ва шахар-туман бўлимлари жамоаларининг бутун диққат-эътибори куз-қиш мавсумига жиддий тайёргарлик кўришга қаратилган. Бу борада кўп қаватли уйлар, аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Тарғибот тадбирлари давомида табиий газдан тўғри фойдаланиш, қўлбола иситиш анжомлари, резина шлангларни қўллашнинг салбий оқибатлари, газ жиҳозларини техник кўрикдан ўтказиш ҳамда дудбўрон ва мўриконларни тозалаш ҳақида тушунтириляпти. Аҳоли хонадонларидаги мавжуд газ жиҳозлари техник кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда кўп қаватли уйларда яшовчи айрим фуқаролар томонидан хонадонларидаги шамоллатиш каналларини ёпиб юбориш натижасида ис газини тўпла-ниши ва ўзбошимчалик билан маиший газ баллонларидан фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Бу билан фуқаролар нафақат ўзи ва оила аъзолари, балки қўни-қўшниларига ҳам қатта хавф туғдиради. Айтиш керакки, газ сизиб чиқиш ҳолатида, ис газини

пайдо бўлганда, квартира ва уйлар тутунга тўлганда соз бўлган шамоллатиш тизими хавфли моддаларни ташқарига чиқаради. Бу эса инсон ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлади. Шунинг учун уларни ўз вақтида текшириш ва техник хизмат кўрсатиш жуда муҳим.

Статистик маълумотларга кўра, ис газидан заҳарланиш каби нохуш ҳодисалар шамоллатиш тизимидаги носозликлар, дудбўрон ва мўриконларнинг баъзи нарсалар билан беки-либ қолиши, шунингдек, ностандарт қўлбола газ жиҳозларидан ҳамда эски горелкалардан фойдаланиш туфайли содир бўлади. Хонадонлардаги газ горелкасидаги алангани назоратсиз қолдириш оқибатида унинг устига суюқлик тушиши ва шамол таъсирида ўчиб қолиши, газ қуёур-ларига арқон боғлаб, унга кир ёйиш, ишлаб турган асбобларни қаровсиз қолдириш ҳамда газ плитасини уйни иситиш учун ишлатиш нохуш оқибат-

ларга олиб келиши мумкин.

Эслатиб ўтиш керакки, агар уйда газ ҳиди сезилса, асло гугурт ёқиш мумкин эмас. Зудлик билан газни ўчириш, деразаларини очиб, хона-ни шамоллатиш зарур. Шунингдек, асосий газ келувчи жўмрақни ўчи-риб, ёритувчи ҳамда бошқа электр асбобларини ёқмаслик, агар ёниқ бўлса ўчирмаслик, газ ҳиди тўлган уйдан чиқиб кетиш ва “104” рақамига кўнғироқ қилиб, фавқулодда вазиятларнинг баъзи нарсалар билан беки-либ қолиши, шунингдек, ностандарт қўлбола газ жиҳозларидан ҳамда эски горелкалардан фойдаланиш туфайли содир бўлади. Хонадонлардаги газ горелкасидаги алангани назоратсиз қолдириш оқибатида унинг устига суюқлик тушиши ва шамол таъсирида ўчиб қолиши, газ қуёур-ларига арқон боғлаб, унга кир ёйиш, ишлаб турган асбобларни қаровсиз қолдириш ҳамда газ плитасини уйни иситиш учун ишлатиш нохуш оқибат-

4 | Меъёрий ҳужжат: ШНҚ

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№91-92 (744-745) 2023 йил 27 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирининг 2023 йил 16 майдаги 107-сон буйруғига ИЛОВА

ШНҚ 1.02.10-23 “ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ”

Мазкур шахарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матн-да Қоидалар тўплами деб юритилади) ҳудудий ривожлантириш дастур-лари ва аҳоли манзилгоҳларининг бош режаларини ишлаб чиқишда, йирик ва ўрта типдаги аҳоли дам олиш ва соғломлаштириш марказла-рини қуришда, саноат корхоналарининг барча қурилиш босқичларида, қурилиш майдонларини танлаш каби асословчи лойиҳа ҳужжатлари-ни ишлаб чиқишда муҳандислик гидрометеорология изланишларини амалга оширишнинг техник талабларини белгилайди.

1-боб. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳуж-жатларга ҳаволалар

1. Мазкур Қоидалар тўпламида қуйидаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган: ҚМҚ 2.01.14-98 – Ҳисобий гидрологик тавсифларни аниқлаш; СП 482.1325800.2020 – Қурилиш учун муҳандислик ва гидро-метеорологик изланишлари. Қоидалар тўплами (расмий манба: СП 482.1325800.2020 Инженерно-гидрометеорологические изыскания для строительства. Свод правил);

ГОСТ 19179-73 – Куруқлик гидрологияси. Атамалар ва изоҳлар. (расмий манба: ГОСТ 19179-73 Гидрология суши. Термины и определе-ния);

EUROCODE 7 – Геотехник лойиҳалаш. (расмий манба: EUROCODE 7 Geotechnical design);

SSG-18 (Specific Safety Guide) – Ядро иншоотлари учун жойни баҳо-лашда метеорологик ва гидрологик хавфлар (расмий манба: SSG-18 (Specific Safety Guide) Meteorological and Hydrological Hazards in Site Evaluation for Nuclear Installations);

NS-R-3 (Site Evaluation for Nuclear Installations) – Ядро иншоот-ларини жойлаштириш учун майдонни баҳолаш (расмий манба: NS-R-3 (Site Evaluation for Nuclear Installations) Site Evaluation for Nuclear Installations);

NS-G-3.5 – Қирғоқ бўйида жойлашган атом электр станциялари учун сув тошқини хавфини баҳолаш (расмий манба: NS-G-3.5 Flood Hazard for Nuclear Power Plants on Coastal and River Sites); USGS 01-4044 – Электрон усуллардан фойдаланган ҳолда ер усти сувлари маълумотларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш стандартлари (расмий манба: USGS 01-4044 Standards for the Analysis and Processing of Surface Water Data and Information Using Electronic Methods);

ASCE/SEI 7-16 – Бинолар ва бошқа конструкциялар учун минимал ҳисобий оқлар ва тегишли мезонлар (расмий манба: ASCE/SEI 7-16 Minimum Design Loads and Associated Criteria for Buildings and Other Structures);

WMO-№ 8 – Метеорологик ускуналар ва кузатиш усуллари бў-йича қўлланма (расмий манба: WMO-№ 8 Guide to Meteorological Instruments and Methods of Observation);

WMO-№ 16 – Гидрологик аналёитлар бўйича қўлланма (расмий манба: WMO-№ 16 Guide to hydrological practices);

WMO-№ 100 Климатологик аналёитлар бўйича қўлланма (расмий манба: WMO-№ 100 Guide to Climatological Practices);

WMO-№ 1150 – Кўп хавфли таъсирга асосланган прогноз ва огохлантириш хизматлари бўйича Халқаро метеорология ташкилоти (ХМТ) кўрсатмалари (расмий манба: WMO-№ 1150 WMO Guidelines on Multi-Hazard Impact-based Forecast and Warning Services);

WMO-№ 1203 – Иқлим нормаларини ҳисоблаш бўйича Халқаро метеорология ташкилоти (ХМТ) кўрсатмалари (расмий манба: WMO-№ 1203 WMO Guidelines on the Calculation of Climate Normals).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу Қоидалар тўпламида қуйидаги атамалар ва уларнинг таъ-рифлари қўлланилган:

гидрометеорологик кузатувлар – ҳеч қандай ўлчаш ишларисиз фақат кў билан кўриб бажариладиган кузатувлар, шунингдек гидроме-теорология жараёни ва ҳодисалари кўрсаткичларини микдорий баҳо-лаш билан боғлиқ ҳаракатларни ҳам ўз ичига олувчи ишлар комплекси;

гидрометеорологик кўрсаткичлар – кузатув маълумотлари бўйича уларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш орқали аниқланадиган гидрометеоро-логик режим элементларини микдорий баҳолаш;

гидрологик қийматнинг ҳисобий таъминланганлиги – бино ва иншоотларни лойиҳалашда қабул қилинадиган ҳамда қўрилаётган гидрологик қийматнинг ортши эҳтимолининг (таъминланганликнинг) норматив микдори;

гидрометеорологик ўрганилганлик даражаси – сув объектлари-нинг гидрологик режими ва ҳудуд иқлими кўрсаткичларини, створдаги гидрологик ва метеорологик кўрсаткичларни аниқлаш учун ҳамда ил-гари амалга оширилган кузатиш материалларидан фойдаланиш эҳти-молини характерловчи сифат кўрсаткичи;

муҳандислик гидрометеорология изланишлар – ўзаро боғлиқ ишлар мажмуаси бўлиб, унинг асосий мақсади ҳудуднинг гидрометеоро-логик шароити хусусиятларини ўрганиш ва қурилиш ёки рекон-струкция натижасида уларнинг ўзгаришини баъорат қилишидир;

сув объектининг эталон участкаси (бассейни) – стандарт кузатув-лар бўлмаган тақдирда репрезентатив маълумотлар олиш учун гидро-логик кузатувлар ташкил қилинадиган ва олиб бориладиган намунавий (кўргазмали) гидрологик кўрсаткичли (оқим режими, сувнинг емириш (сув эрозияси) фаолияти, морфометрик кўрсаткичлар) ҳудуд;

шаҳон босими – иншоотларнинг мустақамлигини ҳисоблашда ҳи-собга олиниши керак бўлган шаҳонлигн босими. Бунда, узоқ вақт даво-мида ўлчанган шаҳонлигн максимал тезлиги иншоотларнинг шаклига кўра аниқланади;

яхвонлик – ернинг юзаси ва предметларда (дарактлар, симлар ва шу каби юзалар) совуван ёмғир ва шуднинг томчиларининг 0°С дан – 3°С гача созулда музлаши натижасида ҳосил бўладиган музнинг зич қатлами бўлиб, бунда ёпишган муз қобиғининг қалинлиги бир неча сантиметрларгача етиши мумкин.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Қурилиш (янги корхона, бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қу-риш, мавжуз корхона, бино ва иншоотларни кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари) учун муҳандислик гидрометеоро-логия изланишлари ҳудуд (туман, майдон, участка, трасса) қурилиши-нинг гидрометеорологик шароитларини комплекс ўрганиш ва асосли лойиҳа ечилларини қабул қилиш учун етарли маълумотларни олишни ҳамда истиқболда ушбу шароитларнинг лойиҳаланаётган объект бил-лан ўзаро таъсири натижасида ўзгариш эҳтимолини ўрганишни таъ-минлаши керак.

4. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари қуйидагиларни ишлаб чиқиш учун амалга оширилади: шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда; қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқишда; қурилиш ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқишда (тоғ-кон саноатида); мамыурий бирликлар ва бошқа ҳудудий бўлинмаларда ҳудудий ре-жалаштиришни амалга оширишда.

5. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари материаллари лойиҳалашнинг тегишли босқичларида қуйидаги вазифалар ва улар-нинг ечимини таъминлаши керак:

ҳудудларнинг бош режасини ишлаб чиқиш;

сувга бўлган талабни таъминлаш эҳтимолини аниқлаш ва сув ис-теъмоли ва сувдан фойдаланишнинг ҳар хил турларини ташкил қилиш; қурилиш (трасса) майдончаси жойлашадиган жойни ва уни салбий гидрометеорологик таъсирлардан муҳандислик муҳофаза йўлларини танлаш;

иншоотларнинг конструкцияларини танлаш, уларнинг асосий па-раметрларини аниқлаш ҳамда қурилиш, сув таъминоти ва оқова су-вларни чиқариб юборишни ташкил қилиш, гидроэнергетика, ва сув транспортининг эҳтиёжларини қондириш; иншоотлардан фойдаланиш шароитларини аниқлаш; қурилиш объектларининг атроф-муҳитга, гидрологик режим ва иқ-лимга салбий (негатив) таъсирини баҳолаш ва табиатни муҳофазалаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

6. Муҳандислик гидрометеорология изланишларида қуйидагилар ўрганилиши керак:

дарёлар (шу жумладан вақтинчалик сув йўллари), қўллар, сув ом-борлари, ботқоқлар, дарёларнинг қуйилиш қисмлари ва сув объектла-рининг қирғоқ зоналари;

иқлим шароитлари ва айрим метеорологик кўрсаткичлар; хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар; гидрологик ва иқлим шароитларининг ёки уларнинг айрим кўрсат-кичларини техноген ўзгаришлари.

7. Муҳандислик гидрометеорология изланишларида қонунчилик ҳужжатлари ҳамда тегишли техник жиҳатдан тартибга солиш соҳа-сидаги норматив ҳужжатлар талабларининг тўлиқ бажарилиши таъ-минланishi лозим. Шунингдек, муҳандислик гидрометеорология из-ланишларида ҳорижий норматив ҳужжатлардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

8. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари дастури қуйида-ги маълумотларни ўзида муҷассамлаштирган бўлиши керак: ҳудуднинг гидрографик тармоқлари ҳақидаги; сув объектлари режимининг асосий хусусиятлари ҳақидаги; дарёлар бассейнларидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва у ер-даги ҳўжалик фаолияти ҳақидаги;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (бундан буён матнда Гидрометеорология хизмати агентлиги деб юритилади) ва бошқа вазирлик ва идораларга тегишли кузатув постлари (станциялари) бўйича материаллар ҳамда аввалги йилларда амалга оширилган гидрометеорологик изланиш материал-лари мавжудлиги ва улардан белгиланган вазифаларни ечишда фойда-ланиш имкониятлари тўғрисидаги;

кузатув постлари ва створлар жойлашган жойлар тўғрисидаги; алоҳида олинган дала ишлари турларининг мураккаблик даражаси тўғрисидаги;

талаб қилинган ҳисоб кўрсаткичларини аниқлаш усуллари тўғри-сидаги.

Муҳандислик изланишлари дастурида изланишлар таркиби ва ҳажми табиий шароитлар, уларнинг ўрганилганлиги ва талаб қилинган гидрометеорологик кўрсаткичлар таркибига боғлиқ равишда асослаб берилади.

9. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижалари асосида муҳандислик гидрометеорология изланишлари бўйича техник ҳисобот тайёрланиши лозим.

10. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижалари бўйича техник ҳисобот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

а) кириш:

объектнинг номи ва жойлашуви;

мақсад ва вазифалар, муҳандислик изланишларини ўтказиш муд-датлари;

изланишларни ўтказиш учун асос;

шаҳарсозлик фаолиятининг тури, муҳандислик изланишларини ўт-казиш босқичи;

объект ҳақидаги идентификация маълумотлари, бюрутмачи, ижро-чи тўғрисидаги маълумотлар;

муайян турдаги ишларни бажариш учун лицензиялар (агар бундай ишларни бажариш изланишлар таркибига кирса);

изланиш олиб борилган майдоннинг (ёки трассанинг) умумий чиз-маси (режа, ҳарита), муҳандислик изланишларни олиб боришнинг тў-лиқ тафсилотлари билан;

сувдан фойдаланиш хусусиятлари ҳақида маълумот, чизикли иншо-отларнинг сув объектлари орқали кесиб ўтадиган трассалари назарда тутилган усуллари;

б) гидрометеорологик ўрганилганлик даражаси:

илгари бажарилган муҳандислик изланишлари ва тадқиқотлар, Гидрометеорология хизмати агентлигининг ва бошқа вазирлик ва идо-ралар постлари (станциялари) бўйича кузатув материаллари ва улар-дан белгиланган вазифаларни ечишда фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар;

ҳудуднинг гидрологик ва метеорологик ўрганилганлик даражаси-ни мавжуд материалларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

д) қисқача табиий-географик тавсифи гидрографик тармоқ (дарё-лар бассейнилари), геоморфологик тавсифи ва сув объектларидаан ҳў-жалик мақсадларида фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, мавжуд иншоотлар ҳолати, уларнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган авар-ия ва деформация сабабларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар-ни ўз ичига олади;

э) изланиш усуллари ва ишни бажариш технологияси;

изланишлар таркиби, изланиш усуллари турлари ва ҳажми; амалда бажарилган ва дастур томонидан бажарилиши режалашти-рилган ишлар ҳажмининг қийёсий жадавали;

дастур талабларидан четланмишларни асослаш;

бажариш муддати;

дала ва камерал ишларнинг тавсифи, шу жумладан гидрометеоро-логик ҳисобий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари; асбоб-ускуналар ва дастурий таъминот, улчов асбоблари ва уску-наларни метрологик текшириш (калибрлаш) ва (ёки) сертификатлари (агарда фойдаланилган тақдирда ишни бажаришнинг ностандарт усул-лари ва ускуналари);

ф) муҳандислик гидрометеорологик ишлар натижалари; туғалланган дала, камерал ва лаборатория ишлари, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ҳисоблашларни амалга ошириш учун қабул қилинган бирламчи маълумотлар таҳлили;

бажарилган ҳисоблашларнинг ишончлилигини аниқлаш;

бажарилган ишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда режа-лаштирилган қурилиш ҳудудининг (сув майдонининг) гидрометеоро-логия шароитларини тавсифлаш;

г) иқлим хусусиятларини тавсифлаш: ҳудуднинг иқлим шароитини фонд материаллари, норматив ва тех-ник маълумотлари билан баҳолаш, шунингдек кузатув тармоғи стан-циялари ва постларидаги узоқ муддатли кузатув маълумотлари (шу жумладан, охирги йиллардаги кузатув маълумотлари) ҳамда муҳандис-лик тадқиқотларини ўтказиш жараёнида олинган кузатувлар натижала-ри (агар улар ўтказилган бўлса) асосида тавсифлаш;

асосий метеорологик элементларнинг экстремал ҳамда ўртача кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ҳаво ҳарорати, шамол тезлиги ва йўналиши, ёғингарчилик микдори, қор қопламнинг қийматлари, ҳавонинг нисбий намлиги ва тупроқ музлаш чуқурлиги-нинг қийматлари келтирилиши;

шаҳарсозлик фаолиятига, лойиҳаланаётган иншоотнинг турига боғлиқ равишда яхвонлик, яхмалак музамалар, шамол босимининг таъсир юқини, қор қопламининг оғирлик таъсирини тегишли норматив ва техник ҳўжатлар асосида асосланиши;

йирик акваториялар иқлим шароитини баҳолашда сувнинг энг ба-ланц сатхи, сув (тўқиннинг) бостириб келиши ва қайтши сатҳининг ўз-гариши, сув режимининг тафсилюти келтирилиши; ҳ) сув объектларининг гидрологик режими тавсифи: сув объектида сув сатҳининг тебранув туриши, сувнинг кўтарилиши ва пасайишидаги сатҳ кўрсаткичлари, қирғоқ бўйининг чегаралари; тўқинланishi режими, шу жумладан тўқин баландлигининг экс-тремал қийматлари;

сувнинг ҳарорат режими ва қимёвий таркиби; музлаш режими ва муз ҳаракати тўғрисида маълумотлар; узан деформациялари ва сув омбори қирғоқлари емирилиши ҳақи-да (турли йилларда амалга оширилган рельеф сёмкаларини таққослаш асосида) ўрганилаётган участкадаги хусусиятлари, жадаллиги (интен-сивлиги), йўналганлиги ва намоеён бўлиш шакллари;

и) иш сифатини назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби: иш сифатини ички назорат қилиш, шу жумладан изланишлар даво-мида бажарилган ишининг тури ва усуллари, дала, лаборатория ва каме-рал назорат натижалари ва ишни қабул қилиш тартиби;

ж) ҳулоса:

бажарилган муҳандислик гидрометеорология натижаларнинг қисқача ҳисоби, ўтказилган изланишларнинг тўлиқлиги ва сифати тўғрисидаги маълумотлар;

лоийҳалаштирилган объектларни жойлаштириш ва муҳандислик муҳофазаси чораларини ташкил этиш бўйича тавсиялар, шунингдек, хавфли жараёнлар (ҳодисалар)нинг к ривожланиши бўйича ҳулосалар;

к) фойдаланилган ҳўжатлар ва материаллар: муҳандислик гидрометеорология изланишлари талабларини бел-гилаб берадиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳўжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳўжатлар рўйхати;

ўрганилаётган ҳудудда илгари бажарилган муҳандислик гидроме-теорология изланишлари материаллари ва бошқа илмий услубий ма-териаллар;

л) муҳандислик гидрометеорология изланишлари техник ҳисоботи иловалари матли, жадавали ва график иловаларни ўз ичига олади; м) матли иловалар қуйидагиларнинг нусхаларидан иборат бўлади: муҳандислик гидрометеорология изланишларини амалга ошириш бўйича топшириқлар ва дастур;

муҳандислик гидрометеорология изланишларига рухсат берувчи ҳўжатлар;

ўлчов асбобларини метрологик текшириш (калибрлаш) сертифи-катлари;

изланишлар даврида олиб борилган кузатув натижалари ёки ана-лог постда кузатув натижаларини қайд қилиш журнали; кўрсаткичларни ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар;

сувдан ва узан туби чўқиндиларидан намуна олиш далолатномала-ри нусхалари;

лаборатория текширувлари далолатномалари;

н) график иловалар қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим: лойиҳаланган объектнинг жойлашув схемаси, гидрологик ва мете-орологик кузатувларининг стационар пунктлари ва идоровий кузатув тармоқлари (агар мавжуд бўлса) кўрсатилган картограмма;

бажарилган дала муҳандислиги гидрометеорологик изланишлар схемаси;

сув ҳавзаси муҳофаза қилиш зоналари, сув босиш чегараларининг ҳисобий схемаси (сув объектини кесиб ўтш режаси билан бирга); гидрометрик ишлар олиб борилган створнинг кўндаланг профил-лари;

оқим тезлиги ва сув сарфи ҳамда бошқа гидрологик таъминланган-ликнинг ҳисобий эгри чизиклари;

дарё ўзанининг режаси, дарёнинг гидрографик параметрлари, узан жараёнининг ва қирғоқ тузилишининг график тавсирлари; дарёнинг кам ўрта ва кўп сувли даврлари учун типик гидрографлар; дарё ўзанини кесиб ўтиш қисмида узан емирилишининг кўндаланг кесим чизмаси;

сув омборлари, қўллар ва йирик дарёлар учун юқоридагиларга қў-шишган равишда кесиб ўтши жойлари режаси билан шамол тўқинла-рининг ҳисобий кўрсаткичлари тақдим этилади.

11. Техник ҳисоботнинг ҳар бир бўлими ҳамда тегишли иловалари топшириқ талабларининг аниқ ечимларига қаратилиши, бажарилган ишининг таркиби ва қўлани шаҳарсозлик фаолиятининг белгиланган босқичларида қўйиладиган вазифаларни бажаришга хизмат қилиши лозим.

4-боб. Муҳандислик гидрометеорология изланишларининг тарки-би. Умумий техник талаблар

12. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркиби қуйи-дагиларни ўз ичига олади:

ҳудудда аввал бажарилган гидрометеорологик, картографик изла-нишлар материалларини йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш; изланиш ҳудудида (туман, майдон, трасса) ёки акваторияда кўздан кечириш ишларини ўтказиш;

куруқлик, юза сувлари учун гидрометрик, гидроморфологик ва морфометрик ишларни ўтказиш;

сув объектлари гидрологик режими ва иқлим кўрсаткичларини кузатишлар ҳамда уларни ўрганиш бўйича эпизодик ишларни амалга ошириш;

ҳисобий гидрологик ва (ёки) метеорологик кўрсаткичларни аниқлаш билан бирга материалларни бирламчи қайта ишлаш; хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни ўрганиш;

вақтинча ва доимий оқар сувлар (ёки дарёлар)да ўзандаги жараён-лар (канал, арик, коллектор зовуларнинг) гидравлик режим элемен-тарини аниқлаш;

гидрокимёвий тадқиқот ишлари;

техник ҳисобот (хулоса)ни тайёрлаш.

Зарур ҳолларда узан деформациясини ўрганиш ва прогнозлаш мақсадида сувдан, оқимдаги муаллак зарралар ва туб жинслардан намуналар олиш ишлари бажарилади. Гидродинамик ҳалокатлар (ава-ри) моделлари ишлаб чиқилди ва тошқин хавфи симуляцияланади.

13. Муҳандислик гидрометеорология изланишларини олиб боришда репрезентатив (ваколатли) ёки аналог метеорологик станциялари тан-лаш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак: станция жойлашган жой табиий-географик шароитларининг (рельеф, уларнинг остидagi сатҳ, ҳаво намлиги, тупроқ қопламнинг тури) бир хиллиги;

метеомайдоннинг муҳофазаланганлиги, атрофдаги (ҳудуддаги) бино ва иншоотларнинг хусусияти, метеомайдон остида жойлашган сатҳнинг атроф ландшафтига мос келиши;

у ёки бу метеорологик элементга нисбатан станциянинг репрезен-тативлик (ваколатлилик) радиуси.

Репрезентатив (ваколатли) метеорологик станция қурилиш май-донидан 100 км гача радиусда бўлиши керак, тоғли минтақаларда бу кўрсаткич 25 км гача бўлиши лозим.

Тоғли туманларда жойлашган қурилиш майдончаларини учун репре-зентатив метеорологик станцияларни танлаш денгиз сатҳидан баланц-лиги ва тоғ ёнбағирларининг экспозициясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

14. Қурилиш ҳудудида ўзига хос микроклим аниқланган тақдирда репрезентатив метеорологик станцияларни танлаш, изланишлар даво-мида олиб борилган қисқа кузатув маълумотларини Гидрометеорология хизмати агентлигининг энг яқин жойда жойлашган метеорологик стан-цияси маълумотлари билан қийёслаш асосида амалга ошириш мумкин.

Танланган аналог метеорологик станция ҳудудининг микроклим хусусиятини ифодаламайдй. Қисқа кузатув натижалари қуйидаги чет-ланишлардан ошманган тақдирда аналог метеорологик станциялар маълумотлари ишончли деб топилади, хусусан:

шамол йўналиши бўйича оғишлар 5 – 10 фюизгача (WMO-№ 1203 га мувофиқ);

ўртача ойлик шамол тезлиги бўйича 1 м/с (WMO-№ 1203 га муво-фиқ);

ўртача ҳаво ҳарорати 2°С гача (СП 482.1325800.2020 га мувофиқ);

ШНҚ 1.02.10-23 “ҚУРИЛИШ УЧУН МУҲАНДИСЛИК ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ. ҚОИДАЛАР ТЎПЛАМИ”

26. Кўздан кечириш тарзидаги (рекогносцировка) текширишлар картографик материаллардан, шу жумладан аэрокосмик съёмка материалларидан, ер тузиш харита ва режалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Рекогносцировка текширишларида, зарурат туғилганда, инструментал геодезик ва гидрометрик ишларнинг айрим турлари бажарилади (сув сарфини ўлчаш, кимёвий ва бактериологик таҳлиллар учун намуналар олиш, баланд сув сатҳи белгиларини, су-внинг бўйлама нишаблигини ва дарё ўзани кўндаланг профилларини ва унинг водийсини ўрганиш).

27. Сув объектларининг гидрологик режими кўрсаткичларини ва метеорологик элементлари кузатишларини муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркибида уларни гидрологик ва (ёки) метеорологик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган ёки умуман ўрганилмаган ҳудудларда амалга ошириш керак.

28. Етарли даражада гидрологик ўрганилганлик шароитларида дарёлар режимини кузатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: курилиш объектини жойлаштириш шароитларини белгиловчи мураккаб гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни (ўзан жараёнлари ва селлар) ўрганишда;

дарё узунлиги бўйлаб қўчириб бўлмайдиган (музлаш шароитлари, оқим тезлиги) гидрологик режим кўрсаткичларини муфассал ўрганишда; дарё ўзанида жойлаштирилиши аниқ олинган створда ёки асосий иншоотлар участкасида гидрологик шароитларни муфассал баҳолаш-ни талаб қилувчи масъул гидротехник иншоотларни лойиҳалаш учун муҳандислик изланишларида.

29. Кузатишлар бошланишидан аввал изланишлар объектида ишларни бажаришни таъминловчи кузатиш пунктлари ва жиҳозларидан иборат гидрологик ёки метеорологик тармок ташкил қилиниши керак.

30. Гидрометеорология хизмати агентлиги постлари ва станцияларидаги кузатишларнинг стандарт комплексларига кирмайдиган махсус ишлар бажарилганда WMO-№16 да белгиланган усуллар қўлланили-ши мумкин.

31. Гидрологик ва метеорологик кузатишларнинг таркиби муҳан-дислик изланишлари бажарилаётган иншоотларнинг турига, сув объ-екти гидрологик режими ва ҳудуд иқлим шароитларининг ўрганилган-лик даражасига боғлиқ равишда аниқланади.

32. Гидрологик кузатишлар бажарилишидаги ишлар таркиби қуйи-даги ўлчашларни ўз ичига олиши керак:

- сув сатҳи ва сарфини;
- муаллак ва туб ҷикиндилар сарфини.
- Баъзи ҳолларда муҳандислик изланишлари таркибига қўшимча тарзда қуйидагиларнинг бажарилиши киритилади:
- сув оқими тезлиги ва йўналишини ўлчаш;
- ўзан ва қайрларнинг нотекислик (ғадир-будурлик) коэффициен-тини аниқлаш;
- гидрокимёвий режимни ўрганиш;
- ҳарорат режимини ўрганиш;
- музлаш режими ва ҳодисасини ўрганиш;
- ўзан жараёнини ўрганиш;
- тўлқин режимини ўрганиш.

33. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари таркибида ба-жариладиган асосий метеорологик кузатувларга қуйидагилар кириши керак:

- атмосфера босимини кузатиш;
- ҳаво ҳарорати ва намлигини кузатиш;
- шамол тезлиги ва йўналишини кузатиш;
- тупроқ юзасидаги ҳарорат ва тупроқ юзасининг ҳолатини кузатиш;
- атмосфера ёғинларини кузатиш;
- булутлиликни кузатиш;
- метеорологик кўриш узоқлигини кузатиш;
- атмосфера ҳодисаларини кузатиш;
- қор қалинлигини кузатиш.

34. Зарурат туғилганда метеорологик кузатишлар таркибига қуйи-даги махсус ишлар киритилади:

- куёш радиациясини кузатиш;
- сув юзасидан буғланишини кузатиш;
- термик режимини кузатиш (WMO-№100).

35. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари даврида ку-затишлар давомийлиги етарли даражадаги ишончилиқда, ўрганила-ётган кўрсаткичлардан бир давр нобайнида курилиш майдони ва таънп жост-э-аналогда олинадиган маълумотлар ўртасидаги корреляцион боғ-лиқликни ўрнатиш учун керак бўлган вақт билан аниқланиши керак.

36. Лойиҳаланаётган иншоотлар ҳудудида хавфли гидрометеоро-логик жараён ва ҳодисалар содир бўлиш эҳтимоли бўлган тақдирда муҳандислик изланишлари натижасида ушбу жараён, ҳодисаларнинг кўрсаткичларини аниқлаш ва ривожланишини башорат қилиш учун лойиҳа босқичларига мос келадиган зарур ва етарли бўлган маълумот-лар олиниши керак.

37. Узоқ мuddатли контекstd эҳтимолий тақсимотга эга бўл-ган хавфли жараёнлар ва ҳодисаларнинг ҳисобий кўрсаткичларини аниқлаш учун фойдаланиладиган бирламчи маълумотлар йиллик қий-матлари қаторини ва яққол ажралиб турувчи максимумлар ҳисобга олиниши керак.

38. Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни ўрганишда муҳандислик изланишлари махсус дастурлар асосида муҳандислик гид-рометеорология изланишлари учун нафақат аьанавий-гидрометрик, гидроморфометрик, гидрологик, аэровизуал усуллардан фойдаланиб, балки лаборатория шароитларида моделлаштириш, реал объектлар-да тажриба-экспериментал, компьютер ва математик моделлашти-риш усуллардан фойдаланиш йўллари билан ҳам бажарилиши керак. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари дастурида қўриладиган ишларнинг таркиби, ҳар бир аниқ ҳолда лойиҳа босқичи, жараён тури ва табиий шароитларнинг муржақблги билан аниқланади.

39. Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни лойиҳа-лашда гидрологик (5.1-жадвал) ва метеорологик (5.2-жадвал) жараён ва ҳодисалар жадвалида келтирилган кўрсаткичлар чегараларидан юқори бўлганларини ҳисобга олиш керак.

Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар тури	Жараён ва ҳодисалар намоён бўлишининг миқдорий кўрсаткичлари
Яхвонлик	Хаводаги симларда деворининг қалинлиги 25 mm дан қалин муз қопламанинг ҳосил бўлиши
Жуда кучли қор ёғиши	1 соатда ёғингарчилик миқдори 20 mm дан кўп
Жуда катта дўл ёғиши	Ёғин пайтида дўлнинг катталиги 20 mm дан катта
Кучли қум бўронлари	Қум бўронлари пайтида шамол тезлигининг ўртача кўрсаткичи 15 m/s ва кўриниш масофаси 500 m гача
Кучли туман	Туман вақтида кўриниш 50 m гача
Қор қўчкиси	Тик қиялиқлардан 0.01 млн/m ³ қор ёки музли қатламнинг тўсатдан тез ҳаракатланиши
Сел оқимлари	Қисқа вақт ичида кучли ёғмир ёғишидан ҳосил бўладиган аҳоли ва халқ-ўжаллиги объектларига хавф солувчи оқимлар
Юқори ҳароратлар	+40°C дан юқори
Паст ҳароратлар	-10°C дан паст

Жараён ва ҳодисалар тури	Жараён ва ҳодисалар намоён бўлишининг миқдорий кўрсаткичлари
Тўлин сув	Йилнинг маълум даврларида тўйиниш манбаларидан сув қўшилишининг (қор ва музлар эриши натижасида) ортиши билан сув сатҳининг суткасига 1 m дан ошиб бориши ҳамда 15 фоиз майдон бирлигидан кам бўлмаган жойини сув босиши.
Шовуш	Дарёларда муз парчаларининг маълум бир қисмларида йигилиб қолиши билан сув сатҳининг юқори қисмда кўтарилиши ва қуйида пасайиши кузатилади. Кўтарилиш жараёни суткасига 1 m дан ортган ҳолатлар.
Музларнинг тикилиб қолиши (затор)	Дарёларда муз парчаларининг маълум бир қисмларида йигилиб қолиши билан сув сатҳининг юқори қисмда кўтарилиши ва қуйида пасайиши кузатилади. Кўтарилиш жараёни суткасига 1 m дан ортган ҳолатлар.
Тошқин	Гидрологик режимнинг фазаси бўлиб, дарё ёки қўл сув сатҳининг кўтарилиши натижасида қуруқликни сув босиши. Тошқин дарё суви, асосан, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қор ёки музлиқлар қисқа вақтда қўп миқдорда эриганда, каттик жала қуйганда суткасига сув сатҳининг кўтарилиши 1 m дан кам бўлмаган ҳолдада
Кам сувлик (межен)	Сув сатҳининг сув олиш иншоотининг лойиҳавий сув олиш сатҳидан, оқова сув чиқариш жойлари ва кема қатнови мумкин бўлган навигация сатҳидан камида 10 кунгача пасайиши.
Ўзан деформацияси	Дарё ва бошқа сув объектларининг қирғоқ чизигини ўзгартириши 1 m/йилдан катта бўлиши
Мегацунами	Сув ости ёки қирғоқ бўйларида кучли ер силкинишидан вужудга келадиган ёпиқ сув ҳавзаларидан шартли цунами ҳодисаси. Ҳодиса пайтида қирғоққа уриладиган тўлқин баландлиги 2 m дан, тўлқин энергияси 20 kп/h дан юқори бўлганда.
Кучли тўлқинланиш	Тўлқинларни қирғоқ минтақасида 4 m дан баланд бўлганда.

40. Муҳандислик гидрометеорология изланишларининг яку-ний босқичида олинган материаллар камерал қайта ишланади. Бу босқичда қайта ишлаш ишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: муҳандислик гидрометеорология изланишлари даврида бажарил-ган кузатув материалларини узил-кесил қайта ишлаш (шундан, кузатув материалларини жорий қайта ишлаш дала шароитларида амалга оши-рилади);

лоийҳа ечимларини асослаш учун ҳисобий гидрологик ва (ёки) ме-теорологик кўрсаткичларини аниқлаш; курилиш (трасса) ҳудудининг гидрометеорологик шароитларини баҳолаш.

41. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари даврида куза-тишлар давомийлиги етарли даражадаги ишончилиқда, курилиш май-донида ўрганилаётган кўрсаткич турига боғлиқ равишда 5.3-жадвалда кўрсатилган қийматлардан кам бўлмаслиги керак.

Гидрометеорологик ўрганилганлик даражаси	Ҳудуднинг гидрологик ва гидрометеорологик ўрганилганлик даражасини белгилловчи шароитлар
Ўрганилган	Қуйидаги шартларга жавоб берадиган репрезентатив пост (станция)нинг мавжудлиги: кузатувлар объект лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган барча гидрометеорологик кўрсаткичлар бўйича олиб борилади; кузатувларнинг сифати ҳисоблашларда ишлатиладиган маълумотларнинг ишончилигини белгилайди; агар кузатувлар даврининг давомийлиги қуйидаги миқдорлардан кам бўлмаса, дарёлар максимал сув сарфи қатори ҳисобини аниқлаш учун етарли деб қабул қилиниши мумкин: 25 йил – ўрмон зонаси учун; 30 йил – ўрмон дашт зонаси учун; 40 йил – дашт зонаси ва тоғли туманлар учун; 50 йил – қуրғоқчил даштлар ва ярим қўл зоналари учун; агар уларнинг давомийлиги қуйидаги кўрсаткичларга мувофиқ бўлса, метеорологик кузатувлар қатори етарли ҳисобланади: ҳаво ҳарорати – 30 – 50 йил бўлса; тупроқ ҳарорати – 10 йилдан кам бўлмаса; тупроқнинг максимал музлаш чуқурлиги – 25 – 30 йил; яхвонлик девори ҳисобий қалинлиги – 25 – 30 йил бўлса; шамолнинг ҳисобий босими – 20 йилдан кам бўлмаса.

Гидрометеорологик ўрганилганлик даражаси	Ҳудуднинг гидрологик ва гидрометеорологик ўрганилганлик даражасини белгилловчи шароитлар
Етарли даражада ўрганилмаган	Мавжуд постлар (станциялар) ҳудудни ўрганилган деб характерловчи шароитларнинг ҳеч бўлмаганда биттасига ҳам жавоб бермайди. Репрезентатив постлар (станциялар)нинг мавжуд эмаслиги. Шаклланиши фақат маҳаллий омиллар ва шароитлар (ўзан жараёнлари, сув ҳавзалари қирғоқларининг емирилиши, қор қўчкилари, дарёлардаги муз тикинлари) билан аниқланадиган гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларни ўрганишда.

Гидрометеорологик шароитларнинг тафсилоти	Кузатувларнинг энг кам давомийлиги
Қуруқликдаги сув объектларининг гидрологик режими (ўзан жараёни, сув омборлари қирғоқларининг емирилиши режими, қирғоқларини қўшган ҳолда)	Гидрологик режимнинг барча фазаларини ўзида муҳассамлаштирган йиллик давр.
Метеорологик элементларнинг режими	Барча иқлим мавсумларини ўзида муҳассамлаштирган йиллик давр.
Экстремал ва мавсумий гидрологик ва метеорологик кўрсаткичлар (сувнинг максимал ва минимал сатҳи ва сувнинг оқиб тушиши, ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик, сув ҳавзаларининг қишқи режими)	Режимнинг тўлиқ фазаларини ўзида муҳассамлаштирган йиллик давр ёки унда содир бўладиган иқлим мавсуми.
Хавфли табиий жараёнлар	Ёғмир ёғадиган давр (ёғмирлар мавсуми).
Селлар, қор қўчкилари	Қор эриш билан бошланиб, қор қўчкилари тушиши тугашигача бўлган давр.

42. Эҳтимоллик характериға эға бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг ҳисобий кўрсаткичларни аниқлаш ҳар йиллик таъминланиш (ошиб бори-ши ёки пасайиш) эҳтимолиги асосида амалга оширилади. Хавфли гидрометеорологик жараёнлар учун ҳисобий кўрсаткич сифатида бу жараёнларнинг ҳисобий давр охирига тўғри келадиган ривожлани-ши эҳтимолигининг баҳоси олинади. Ҳисобий эҳтимолик миқдори КМК 2.01.14-98 га мувофиқ иншоотларнинг масъулият даражасига кўра улардан фойдаланишда ишончилиги 90 фоиз оралиқларда бўлган ҳолда аниқланади.

43. Хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар қуйидаги усуллар асосида аниқланиши керак: эҳтимоликларни статистик усуллари; келгусида ривожланишини прогноزلаш усуллари; комбинацион усулларда.

Бунда биринчи усул эҳтимоллик характери номоён бўладиган хавф-ли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар учун, иккинчи усул эса доимий, юз бериш эҳтимоли юқори бўлган хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисалар учун ҳамда мукаммал қарорлар қабул қилиш мақ-садида ҳар икки усул бир пайтда (комбинацион) қўлланилиши мумкин. 44. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари доирасида хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг ҳисобий кўр-саткичларини аниқлаш халқаро қабул қилинган норматив ҳужжатлар талаблари доирасида амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда ку-затув маълумотлари ва ҳисобий кўрсаткичларнинг бирламчи ҳисобий жадвали, қўлланилаётган норматив ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда келтирилган усулнинг қисқача тавсифи берилиши лозим.

45. Курилиш объекти ноқулай гидрометеорологик шароитли ҳу-дудларда жойлаштирилиши кўзда тутилган ҳолатлар бўлиши мумкин, хусусан:

- сел оқимининг йўлида;
- қор қўчши хавфи бор ҳудудларда;
- дарё ва бошқа сув объектларининг қирғоқ чизигини ўзгартириши 3 m/йилдан катта бўлган жойлар;
- тўлин сув ёки ёғингарчилик даврида сув тошқинига мойил бўлган ҳудудларда.

Бундай ҳолатларда муҳандислик гидрометеорология изланишлар-и таркибида мос равишда хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳо-дисаларнинг лойиҳаланаётган объекта бўладиган таъсирини баҳолаш билан бирга муҳандислик ҳимоя тадбирларини мажмуасини асослаш, зар-ру ҳолларда оғохлатириш тизимини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳавий кўрсаткичлар келтирилади.

46. Муҳандислик гидрометеорология изланишлари натижалари бўйича ушбу қоидалар тўпламининг 10-банди талабларига кўра техник ҳисобот ёки ҳулоса тузилади. Ҳулосани мавжуд бўлган материалларни ўрганиш ва рекогносцировка текширишлари материаллари асосида ва чекланган миқдорда дала ишларини бажарган қуйидаги ҳолларда тузишга рухсат берилади: лойиҳаланаётган, масъуллик даражаси III синф бўлган иншоотлар учун;

ўрганилган ҳудудда жойлашган курилиш майдонлари учун; ҳудуднинг гидрологик ва иқлим шароитлари деярли таъсир қил-майдиган иншоотлар учун.

47. Шаҳарсозлик ҳужжатлари учун муҳандислик гидрометеороло-гия изланишлари ҳудуднинг комплекс гидрометеорология режимини ўрганишга қаратилиб, режалаштирилаётган курилиш мақсадидан кели-б чиқиб қуйидаги гидрометеорология тадқиқотлардан иборат ечим-ларни таъминлаши керак:

- сув объектларини сув билан таъминлаш манбаи сифатида, санитар, техник, транспорт, энергетик, мелiorатив, спорт ва маданий-маиший мақсадлар учун фойдаланиш эҳтимолини аниқлаш; курилиш объектларини жойлаштириш бўйича муҳандислик ва бошқа турдаги коммуникациялар, бино-иншоотларининг жойлашуви-ни, транспорт тармоқларини йўналишларини аниқлашда фундаментал қарорлар қабул қилишни;
- хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг эҳтимолий тақорланишларини аниқлаш ҳамда уларнинг лойиҳаланаётган объ-ектга таъсирини прогноزلаш натижасида муҳандислик муҳофазалаш иншоотларини лойиҳалаш ёки тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича ти-зимли тавсиялар ишлаб чиқишни;
- зарурат туғилганда хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодиса-лардан муҳандислик ҳимоя бош режасини ишлаб чиқишни;
- ҳудуднинг гидрометеорологик режими ва унга техноген омиллар-ни баҳолаш, ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида ҳу-дуднинг гидрометеорологик режимининг ўзгаришларини прогноз қи-лишни;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2023 йил 16 майдаги 107-сон буйруғига ИЛОВА

техноген омилларнинг истиқболли прогнозларида ривожланиш йўналишларини, хусусан ўрмон ёнгинлари, турли типдаги тошқинлар, селлар хавфлилик даражаси бўйича маҳаллий туманлаштириш ишла-рини таъминлашни;

муҳандислик муҳофаза тадбирлари доирасида ҳудудда ер усти сув-ларининг оқимини ташкил қилиш ва қуриштига қаратилган бошқа тад-бирларни асослашни;

келгусида табиий жараёнларга бўладиган муҳандислик юқламала-рининг экотизм ўзгаришларга учрашини ҳисобга олиб, табиатни муҳо-фаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни.

5-боб. Шаҳарсозлик ҳужжатлари учун муҳандислик гидрометеоро-логия изланишлари

48. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб қиқш учун муҳандислик гидрометеорология изланишлари муҳандис-геодезияси, муҳандис-геологияси ва муҳандис-экологияси изланишлари комплексида олиб борилиши керак.

49. Шаҳарсозлик ҳужжатлари учун муҳандислик гидрометеорооло-гия изланишларини олиб бориш ҳажми ва таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўрганилаётган ҳудуд тўғрисида гидрометеорологик ва картогра-фик материалларни таҳлил қилиш;

режалаштирилаётган муҳандислик коммуникациялари, транспорт тармоқларининг ҳудудда жойлашуви бўйича гидрометеорологик ҳуло-салаш;

хавфли гидрометеорологик жараён ва ҳодисаларнинг келгусида ривожланишини прогноزلаш.

50. Шаҳарсозлик ҳужжатлари учун муҳандислик гидрометеорооло-гия изланишлари ҳудудда (гидрометеорологик ўрганилганлик етарли бўлмаган тақдирда) режалаштирилаётган объектларнинг масъулият да-ражасига боғлиқ равишда метеорологик элементлар ва сув объектлари-нинг гидрологик режим элементларини кузатиш ишлари ташкил қили-нади ва гидрометеорологик жараёнлар ҳамда ҳодисалар ривожланиши статистик усуллар ёрдамида (экстрополяция) протгноз қилинади.

Етарли даражада гидрометеорологик ўрганилган ҳудудларда ушбу тадқиқотлар фақатгина мавжуд метеорологик станциялар ва гидроло-гик постлар кузатув тизимининг стандарт дастурига кирмайдиган мах-сус кузатув ишларини олиб бориш билан боғлиқ тадқиқотларни талаб қилгандагина кўзда тутилади.

51. Янги шаҳарлар қурилишининг муҳандислик гидрометеорооло-гия изланишлари таркибида мазкур ҳудуддаги мавжуд метеостанция ваколатли бўлмаган тақдирда метеорологик кузатувлар олиб бориш мажбурийдир.

52. Метеокүзатишлар энг камида бир йиллик даврий режими ни ку-затишдан иборат бўлиб, ҳудудда доимий фаолият қуратиши керак. Бундан ташқари энг яқин метеостанция маълумотлари асосида ҳудуд-нинг микроиқлим хусусиятлари ҳамда ёруғлик иқлими, қуёш радиация-си, атмосфера электрланиши тавсифланади.

53. Ҳудуд микроиқлимини текшириш ишларининг таркиби қуйида-гилардан иборат бўлади:

ернинг энергия баланси тенгламасига асосланган микроиқлимини ташкил қилувчилар (албедо, қуёш энергиясининг сарфланиши ва ытилиш миқдорлари, ер юзасининг температура режими) бўйича тавсифлаш;

атмосфера ёғинлари, ҳаво ва ер юзаси ҳарорати, қор қалинлиги, шамол тезлиги ва йўналишини аниқлаш;

атмосфера жараёнлари ва ҳодисаларининг йил давомида тақро-рланишини аниқлаш;

атмосферанинг коррозиявий фаоллигини аниқлаш;

хавонинг гигиеник хусусиятларини аниқлаш.

54. Ҳудудда гидрологик текшириш ишларининг таркиби қуйидаги-лардан иборат бўлади:

сув объектларидан сув таъминоти манбаи сифатида фойдаланиш имкониятини белгилловчи асосий гидрологик ва гидрокимёвий мезон-лар бўйича аниқлаш;

чиқиқли объектларнинг сув объектларидан кесиб ўтиш жойлари-даги оптимал ечимларини аниқлаш;

хавфли гидрологик жараён ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда тақ-симотини аниқлаш.

55. Сув объектларидан сув таъминоти манбаи сифатида фойдала-ниш имкониятини белгилловчи асосий гидрологик ва гидрокимёвий мезонлар бўйича аниқлаш ишлари қуйидаги таркибдан иборат бўлади:

сувнинг кимёвий таркиби ва лойқалиги; сув ҳавзасининг юқори оқимида ташланаётган саноат ва маиший оқова сувларнинг миқдори ва кимёвий таркиби;

ҳавзада қишлоқ хўжалиги майдонларининг жойлашуви, қўлланила-диган кимёвий ўғитлар ва бошқа бирикмаларнинг сув объектига тушиш даражаси;

сув ҳавзасининг санитар-гигиеник ҳолати ва бактериологик ифлос-ланиш манбалари;

сув сарфи ва сатҳининг минимал даражаси, ҳавзада юза оқимнинг йўқолиши мuddатлари;

режалаштирилаётган гидроиншоотларга сув олиш жойларининг ноқулай гидрологик ва гидробиологик шароитларга (фитопланктон-ларнинг ривожланиш даври, балиқ ва бошқа сув жониворларининг уруғ қўйиши, қучиши, тўғланиши) боғлиқ равишда узилишлар бўлиши-ни асослаш;

ҳудуднинг мукаммал сув балансини аниқлаш; инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида сув объектларининг та-биий режимини бузилиши.

Сув объектларидан сув таъминоти манбаи сифатида фойдаланиш имкониятини ўрганиш гидрологик режим элементларининг камида бир йиллик кузатув натижаларига таяниши керак.

56. Чизикли объектларнинг сув объектларидан кесиб ўтиш жойла-ридаги оптимал ечимларини аниқлаш қуйидаги кўрсаткичларга боғлиқ бўлади:

чизикли объектларнинг кесиб ўтиш жойларидаги сув объектнинг минимал ва максимал сув сарфи ҳамда сатҳи (кесиб ўтувчи объект мак-симал ва минимал қийматлардан 1.4 баробар ортиқлиги ишонли қий-матларда);

кемалар ҳаракатланадиган сув объектларида кесиб ўтиш балан-лиги кемаларнинг энг баланд ўлчамидан юқори бўлиши;

ўзан жараёнларининг вертикал ва горизонтал ривожланиш интен-сивлиги, намоён бўлиш шаклига кўра режалаштирилаётган ёки лойиҳала-наётган кесиб ўтувчи объектнинг эксплуатация давридан кичик бўлиши.

57. Хавфли гидрологик жараён ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда бўлишини баҳолаш қуйидагилардан иборат бўлади:

хавфли гидрологик жараён ва ҳодисаларни стохастик баҳолаш;

хавфли гидрологик жараён ва ҳодисаларни детерминистик баҳолаш;

шартли сценарийлар ишлаб чиқиш орқали экстраполяцияланган миқдорларнинг маконда ўзгаришини прогноزلаш (бунда SSG-18 ва WMO-№1150 га мувофиқ геофазовий симуляциялаш ва моделлашти-риш тамойилларига таянилади).

58. Саноат ва аҳоли яшаш жойларининг ўзаро жойлашишини баҳо-лаш учун тропосфера қатламида саноат ифлосланишининг тақсима-нишига таъсир қилувчи метеорологик омиллардан фойдаланилади. Бунда вертикал тузилиш бўйича саноат зонасининг, саноат объекти-нинг ва алоҳида ифлослантирувчи манбанинг метеорологик омиллар таъсирда ҳудудни ифлосл

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНАЁТГАН СИРДАРЁ

Беҳзод АҲМАДКУЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида ҳам дастурлар ижросини таъминлаш ва худудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Замонавий қиёфада қад ростлаётган турар жойлар, янгиланаётган шаҳару қишлоқлар, обод бўлаётган таълим ва тиббиёт муассасалари шулар жумласидандир. Буларнинг барчасидан кўзланган ягона мақсад – аҳолига қулай шароит яратиш орқали уларнинг фаровонлигини таъминлашдан иборат. Куйида вилоятда амалга ошираётган ана шундай ишлар билан танишасиз.



Янгиер шаҳри янада кўркам бўлмоқда

Янгиер шаҳридаги маҳаллаларнинг электр энергияси таъминотини яхшилаш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида дастурлар доирасида ходимлар томонидан худудларда ҳаво электр тармоқларини қуриш, янги трансформатор пунктларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.



Хусусан, Янгиер шаҳридаги Бинокор маҳалласининг бир нечта кўчаларида электр таъминотининг ёғоч устунлари 60 дона темир-бетон устунга алмаштирилди. Шунингдек, 5,2 километр узунликдаги янги тармоқ тортиш ҳамда 2 дона янги трансформатор ўрнатиш лойиҳалаштирилган.

Ҳозирги кунда режа асосида ишлар амалга оширилмоқда.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик авжида

“Худудий электр тармоқлари” АЖ филиаллари томонидан жойларда куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш, электр тармоқларида белгиланган дастур асосида жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда.



Ховос туман электр таъминоти томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида 186,2 км электр узатиш тармоқлари жорий ва 96,8 километр тармоқ мукаммал таъмирланди. Шунингдек, 92 дона трансформатор пункти жорий ва 41 дона трансформатор мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, Гулистон тумани электр таъминоти томонидан Иноқлик маҳалласида истеъмолчиларнинг электр таъминоти яхшиланмоқда. Маҳалла худудидаги 43 дона темир-бетон устун ўрнатилди. Эндиликда маҳаллага яна 2 километр электр узатиш тармоқлари ва қуввати 160 кВА бўлган трансформатор пункти ўрнатиш ишлари режалаштирилмоқда.

Сирдарё туманидаги Оқйўл маҳалласига эса 2 дона 400 кВА ва 1 дона 250 кВА қувватдаги трансформатор пункти ўрнатилди.

“Ҳожи Шайхуддинхўжа” жоме масжидининг янги биноси



Қуръони карим тиловати билан бошланган тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий, Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари, ҳомийлар иштирок этишди.

Масжиднинг янги биноси қурилиши 2022 йил апрель ойида бошланган. Мажмуанинг умумий майдони 56 сотих бўлиб, хонақоҳ ва айвонларда 1 000 нафардан зиёд намозхон ибодатни эмин-эркин адо этиши мумкин. Баланглиги 6,5 метр, айланаси 10 диаметр бўлган гумбаз масжид кўригига кўрк бағишлаб турибди.

Масжидда шунингдек, иситиш ва совутиш тизимлари, замонавий овоз кучайтиргичлар ўрнатилди. Имом-хатиб, мутавалли ва қоровул учун алоҳида хоналар бор. Жоме 7 мингдан зиёд аҳолиси бўлган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғинидаги мўмин-мусулмонларга хизмат қилади.

Электрдан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди



“Худудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё худудий филиали ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда жойларда мунтазам электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган рейд тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, Мирзаобод туманида ўтказилган рейд тадбирларида автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси ҳисоблагичдан ташқари тўғридан-тўғри электр тармоғига улашиб фойдаланаётганлиги аниқланган. Мутахассислар томонидан қайта ҳисоб-китоб қилинганда, ушбу истеъмолчи 780 млн сўмдан ортиқ зарар етказгани маълум бўлди.

Шунингдек, Ховос туманида ўтказилган рейд тадбирларида Тинчлик маҳалласидаги “Б. Э” савдо дўкони ASKUE тизими орқали электр энергияси уланishiда шубҳа уйғотди. Ходимлар томонидан жойига чиқиб ўрганилганда, ҳисоблагичдан ташқари тўғридан-тўғри электр тармоғига улашиб, 72 млн сўмдан ортиқ зарар етказиб келаётгани аниқланди.

Жойларда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган рейд тадбирлари давом этмоқда.

Аҳолига қулайликлар яратилмоқда

